БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 13 (1192) 2019 йил 28 март

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда ISSN 2010-6602 @bank_axborotnomasi Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Имтиёзли кредитлар – келажакка тикилган сармоя

Кейинги даврларда таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмонан баркамол авлодни шакллантириш ҳамда уларнинг комплекс ривожланишида инновацион таълим бериш услубини янги сифат даражасига кўтариш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор имтиёз ва енгилликлар берилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам бу ишларни жадал ривожлантиришнинг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми 5-саҳифада)

"Қишлоқ қурилиш банк"дан инновацион хизматлар

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан "Банк хизматлари сифатини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматлар" мавзусида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Президентимизинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва оммабоплигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида таъкидланди. Хусусан, мижозлар банкка келмасдан, масофадан амалга ошириши мумкин бўлган хизматлар кўлами тобора ошиб бораётгани эътироф этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

"Ипотека-банк" рейтинги тасдиқланди

"Moody's" халқаро рейтинг агентлиги "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг миллий валютадаги депозит рейтингини "B2" дан "B1" даражагача оширди, хорижий валютадаги депозит рейтингини "B2" даражада тасдиқлади. Банкнинг барча рейтинглари "Барқарор" истиқболга эга.

"Moody's" рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, "Ипотека-банк" АТИБнинг рейтинглари банкнинг корпоратив ва чакана молия бозоридаги сезиларли улушини, жумладан, аҳоли учун омонатлар ва ипотека кредитлари бўйича етакчи ўринда эканлиги билан аҳамиятлидир.

"Moody's" рейтинг агентлиги ижобий омиллар сифатида банкнинг барқарор даромадлилик кўрсаткичларига ва етарли даражадаги ликвид активларга эгалигини тасдиқлади. Банк мижозларининг депозитлари ва давлат маблағлари молиялаштиришнинг барқарор манбаи сифатида кўрилмоқда.

"Ипотека-банк" АТИБ Ўзбекистоннинг тўртта йирик банклари қаторига кириб, республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган филиал ва бўлинмалари орқали кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

"Ҳамкорбанк" барча рейтинглар бўйича — "Барқарор"

"Moody's" халқаро рейтинг агентлиги "Ҳамкорбанк" АТБ рейтингини "B2" дан "B1" даражагача оширди.

Миллий валютадаги депозитлар рейтинги "B1" чет эл валютасида узоқ муддатли депозит рейтинги "B2" этиб тасдиқланди ва базавий кредит рейтинги "B1" кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.

Барча рейтинглар бўйича прогноз — "Барқарор".

Ушбу рейтинг кўрсаткичлари банкнинг барқарор молиявий натижаларини акс эттиради ва Ўзбекистоннинг ўртача банк секторидан кўра яхшироқ эканлигини тасдиқлайди. Улар, хусусан, активларнинг юқори сифатини ва рентабеллигини ҳамда барқарор молиялаштириш ва ликвидлилик профилини ўз ичига олади.

Янги пул ўтказиш шохобчаси ишга тушди

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва банк истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ўз инфратузилмалари тармоғи ва хизматлари кўламини бевосита кенгайтирмоқда.

Хусусан, 2019 йилнинг 20 мартидан бошлаб аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Жиззах филиалига қарашли "Кўк бозор" мини-банки қошида янги пул ўтказиш шохобчаси ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур халқаро пул ўтказмалари шохобчасида жисмоний шахсларга "Western Union", "Contact", "MoneyGram", "Юнистрим" ва "Золотая корона" халқаро пул ўтказмалари тизими орқали соат 9.00 дан 18.00 гача тушлик танаффусисиз хизмат кўрсатилади.

Бугунги кунда банкнинг пул ўтказмалари шохобчалари сони 32 тани ташкил этмоқда.

УШБУ СОНДА

АҲОЛИ БАНКОМАТЛАР ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИ? 5

РОССИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2019 ЙИЛДА НЕФТЬ НАРХИ ОШИШИНИ ТАХМИН ҚИЛМОҚДА 7

МОМОМ АЙТГАН ҚУШИҚ ДИЛГА ҚАЙТАДИР 8

"Қишлоқ қурилиш банк"дан инновацион хизматлар

(Бошланиши 1-саҳифада)

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилиб, қиркдан ортиқ филиал, минибанк ва шохобчалар орқали минглаб мижозларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, банкнинг республика бўйлаб 24/7 режимида, кеча-ю кундуз, узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирда бундай шохобчалар сони 20 та бўлиб, уларнинг барчаси замонавий банкоматлар, инфокиосклар, инфомонитор билан жиҳозланган.

– Банкимиз томонидан шу кунларда қилинаётган янгиликлардан бири – Uzcard ва UnionPay тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган "кобейжинг" карточкалари муомалага чиқарилаётганлигидир, – дейди "Қишлоқ қурилиш банк" Халқаро тўлов тизимлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Даврон Рихсиев. – Кобейджинг карталарининг афзаллиги шундаки, бир карта орқали бир неча тўлов тизимларидан тўлов инфратузилмаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Шу билан картани юртимизда ҳам, хорижда ҳам бемалол ишлатиш мумкин. Мазкур кобейжинг карталари тўловни контактсиз амалга ошириш NFC технологияси ва кўп босқичли ҳимоя тизимлари билан жиҳозланган.

Шунингдек, банк томонидан "VISA classic" халқаро тўлов карталари ҳам муомалага чиқарилмоқда. Мазкур тўлов карталари орқали дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатида тўловларни амалга ошириш имконияти бор.

Бугунги кунда банк томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган масофавий хизматлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, "Интернет банкинг", "Мобил банкинг" ва "СМС-банкинг" хизматлари орқали мижозлар учун ўз вақтларини тежаш ва маблағларни тезкор тассарруф этиш каби қулайликлар яратилган бўлса, банклар учун мижозлар сонини кенгайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва меҳнат ресурсларини тежаш имконияти ҳам яратилган.

Мижоз биргина "QQB-Mobile" инновацион мобиль дастуридан фойдаланган ҳолда, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни ҳамда коммунал тўловларни (электр энергияси, табиий газ, иссиқлик манбаи, ичимлик суви ва ҳ.к.), Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарима тўловларини ўтказиши мумкин.

Шунингдек, барча тижорат банкларининг сўм пластик карточкаларига эга мижозлари илова орқали ўзларининг VISA халқаро тўлов карточкаларига чет эл валютасини онлайн режимда конверсия қилиш имкониятига ҳам эгалар.

Ҳозирги кунда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Money Gram", "Western Union", "Contact", "Золотая корона" каби халқаро пул ўтказмалари шохобчалари сони 44 тани ташкил этмоқда. Бу борада мижозларга қулайлик яратиш мақсадида, банк томонидан халқаро пул ўтказмалари орқали келган маблағларни айрибошлаш шохобчаларига бормаган ҳолда миллий валютага конверсия қилиш, маблағларни жўнатишда "UzCard" пластик карталари ҳамда миллий валютада амалга ошириш имкониятлари яратилган.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Жорий йилнинг 21 март куни Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Лондон шаҳри (Буюк Британия)га ташрифи доирасида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг ЕТТБ Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастуридаги иштироки тўғрисида Битим" ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ учун ЕТТБнинг револьвер кредитини ажратиш тўғрисида Битим" имзоланди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" йирик келишувларга эришди

Қайд этиш жоизки, Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури хорижий мамлакатларда халқаро савдони янада ривожлантиришга ёрдамлашади.

Мазкур Дастур доирасида ЕТТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"ка 20 млн. АҚШ доллари миқдоригача белгиланган лимит билан револьвер кредитини тақдим этади. Бунда белгиланган лимит миқдорининг 50 фоизигача суммаси экспортгача ва импортдан кейинги амалиётларни молиялаштириш учун пуллик бўнак шаклида сарфланиши мумкин.

Тақдим этилаётган кредит линияси кичик ва ўрта бизнесни, айниқса мамлакатнинг чекка ҳудудларида молиялаштириш ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк"ка экспорт-импорт келишувларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари ҳажмини ошириш ва ташқи савдо амалиётлари бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида ўз маҳсулотлари турларини кенгайтириш имконини беради.

Маълумот учун: *Европа тикланиш ва тараққиёт банки 1991 йилда ташкил топган. 1999-2017 йилларда ЕТТБ 20 мингдан зиёд ташқи савдо амалиётларини бажарган, шу жумладан, ўзбекистонлик экспортчи ва импортчилар билан 209 келишувни амалга оширган. Умумий амалиётлар ҳажми 15 млрд. евронни ташкил этади, уларда дунёдаги 27 мамлакатнинг 95 та банк-эмитенти ва 800 дан зиёд тасдиқловчи банклар иштирок этади.*

Uzcard банкларо тўлов тизими Visa PIN Security аттестатини қўлга киритди

Шу кунларда Uzcard банкларо тўлов тизими Visa PIN Security стандартига мувофиқлик аттестатини қўлга киритди. Жумладан, мазкур тизим томонидан 33 та мажбурий талаблар бажарилди.



Улар орасида:

• АТМ ва терминаллар учун PIN-паролларни киритиш хавфсизлик стандартини таъминлаш;

• стандартга мувофиқлик жараёнини қўллаб-қувватлашга ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш каби йўланишлари ҳам бор.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, Visa PIN Security стандарти АТМ ва POS-терминаллар орқали амалга ошириладиган транзакция ва операцияларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун ишлаб чиқилган. Стандартлаштириш мақсади, POS-терминал, инфокиоск ва банкоматларнинг клавиатурасида PIN-кодни киритиш жараёнидан бошлаб, процессинг Марказида амалга ошириладиган маълумотларни қайта ишлашгача бўлган жараён хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. PIN-кодлар шифрланган кўринишда тизим орқали юборилиши даркор.

Қимматбаҳо металлар бўйича илк битимлар имзоланди

Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси акциядорлик жамиятида қимматбаҳо металлар бўйича илк битимлар имзоланди. 2019 йил 18-20 март кунлари ўтказилган биржа савдолари давомида умумий қиймати 192,6 млн сўмга тенг 46,5 кг кумуш сотилди.

Ўтказилган савдолар натижаларига кўра кумушнинг ҳафталик биржа котировкаси 1 грамм учун 4 142,56 сўмни ташкил қилди. Биржа савдоларида саноатда фойдаланиладиган маҳсулотларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ишлаб чиқарувчилар, заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчилар иштирок этди.

Айни вақтда ички биржа бозорида қимматбаҳо металларни сотиш бўйича иккита шартнома очилган. Хусусан, биржа котировкалаш варағига кумуш қуймасининг 500 грамм лотлик Ag-1 маркаси ва олтин қуймасининг 100 грамм лотлик Au-1 маркаси учун шартномалар киритилган. Биржа савдоларига кумушнинг кунлик қўйилиш ҳажми 15,5 минг граммни, олтиннинг кунлик ҳажми – 2,6 минг граммни ташкил қилади. Қимматбаҳо металларни етказиб бериш шарти – "Олмалиқ КМК" АЖ омборларидан EXW (ўзи олиб кетиш) кўринишида.

Қимматбаҳо металларнинг бошланғич нархи Лондон қимматбаҳо металлар бозори уюшмасининг сўнгги тонгги фиксингига асосан Ўзбекистон миллий валютасида белгиланади. Харидорлар Ҳисоб-клиринг палатасидаги ўз ҳисоб рақамларига биржа битимининг мўлжалланаётган суммасининг 1 фоизи миқдоридаги закалатни ўз ичига олган авансни киритадилар.

Эслатиб ўтамиз, қимматбаҳо металлар ЎзРТХБ биржа савдоларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 мартдаги 186-сонли "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" АЖ биржа савдоларида қимматбаҳо металларни сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида сотила бошлади.

Савдоларда иштирок этиш учун заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчилар биржага Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги томонидан бериладиган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни тақдим этишлари керак.

Саҳифа finance.uz материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2933-2-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 39-сон, 1052-модда) билан тасдиқланган Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
39/2-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/2-сон қарорига ИЛОВА

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 7-банддаги "Ломбардлар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь)" деган сўзлар "Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 13-банддаги "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)" деган сўзлар "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Низомнинг 17-иловаси мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга ИЛОВА

"Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 17-ИЛОВА
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил _____ учун
_____ ҳисобвараги бўйича

Т/р	Исми шарифи	Лавозими	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ (ходим олдидаги қарздорлик)	Ҳисобварақнинг кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетида акс эттирилди (ҳисоблаб ёзилган)				Ҳисобварақнинг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитида акс эттирилди (ушлаб қолинган)					Тўланди	Ҳисобот даври охирига қарз қолдиғи (депонентлаш тирилган иш ҳақи)
				__-х/в	__-х/в	__-х/в	жами	аванс	жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	касаба уюшмасига бадаллар	ФШЖБҲҲ*	жами		

Раҳбар _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Бухгалтер _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

2019 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 3022-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., билан тасдиқланган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4. Кредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 8 фоиз миқдорида белгиланади.".

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

2019 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 622-8-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрда 74-сон билан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 19 январь,
1/4-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/4-сон қарорига ИЛОВА

Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5.2. Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганда, тижорат банкларидан ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида, бироқ банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади.".

2. 5.13-банддаги "Мазкур Низомнинг 5.2 — 5.11-бандларида" деган сўзлар "Мазкур Низомда" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. VI1-бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"VI1. Марказий банкнинг кўрсатмаларини ижро этмаганлиги учун санкциялар".

4. 6.11-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

2019 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1304-4-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон қарори (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 19 январь,
1/7-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/7-сон қарорига ИЛОВА

Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга киритилаётган қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги 51-банд билан тўлдирилсин:

"51. Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунининг 125-моддасига мувофиқ иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади.".

2. 6-банд "капитализациялаш орқали" деган сўзлардан кейин "активнинг" деган сўз билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

2019 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2886-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апреледаги 343-В ва 14-сон “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси **М. НУРМУРАТОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
343-В-3-сон

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари **У. МУХАМЕДОВ**
Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 18 февралдаги 343-В-3 ва 6-сон қарорига ИЛОВА

“Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Номи ва 1-банддаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги “ва терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларидаги “ва (ёки) терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи хатбошидаги “ва терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 11-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 21-банднинг биринчи хатбошисидаги, 34-банддаги, 36-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 43-банднинг биринчи хатбошисидаги, 47, 77, 79-бандларидаги, 92-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 97-банддаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-бандда:

ўнинчи хатбошидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги “ва (ёки) терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши “фаолиятини молиялаштиришга” деган сўзлардан кейин “ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

е) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ва (ёки) терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6-бандда:

бешинчи хатбошидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги “ва (ёки) терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 20-банддаги “ва терроризмни молиялаштиришнинг” ва “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар тегишли равишда “, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг” ва “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) қуйидаги мазмундаги 231-банди билан тўлдирилсин:

“231. Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида масофадан банк ҳисобварағини очиш учун ариза билан мурожаат қилганда, мазкур Қоидаларнинг 23-банди иккинчи хатбошида келтирилган мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар Давлат хизматлари марказлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилиши ва тижорат банклари кўрилган чора-тадбирлар натижасига ишонишлари мумкин. Бунда тижорат банклари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлишига;

рўйхатдан ўтказувчи органнинг мижозларни лозим даражада текшириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилинишига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Тижорат банклари мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган талаблардан бири бажарилмаган тақдирда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширади.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилганда, тижорат банклари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади. Бунда банк ҳисобварағи шартнома офертасида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилиши лозим.”;

к) 33-банднинг учинчи хатбошисидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 37-банднинг учинчи хатбошисидаги “легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 45-банднинг тўртинчи хатбошиси “мавжуд бўлган” деган сўзлардан кейин “ҳамда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилган” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

н) 49-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“фаол террористик ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали пул маблағларини жўнатилиши ва олиниши (мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим қилинади);”;

о) 54-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“54. Тижорат банклари таваккалчилик даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайтириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак.

Тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши шарт.

Тижорат банки таваккалчиликлар тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликнинг умумий даражасини, унинг талаб қилинган пасайтириш даражасини аниқлаши ва тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириши керак.

Аниқланган таваккалчиликлар назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериши керак.

Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик (мижозларнинг турлари ва фаолияти, банк маҳсулотлари ва хизматлари, уларни тақдим этиш каналлари, географик ҳудудлар бўйича ва бошқа) омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Мижозлар ва операциялар бўйича таваккалчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби тижорат банкининг ички қоидалари билан белгиланади.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилиши керак.”;

п) 60-банднинг биринчи хатбошисидаги “ва (ёки) терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 62-банднинг бешинчи хатбошисидаги “ва терроризмни молиялаштириш” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 94-банддаги “легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни” деган сўзлар “легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган.

Давлат хизматлари агентлиги директори **Х. ТУРАХУЖАЕВ**
2019 йил 18 февраль

Имтиёзли кредитлар – келажакка тикилган сармоя



(Бошланиши 1-саҳифада)

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ҳам қарор ижроси доирасида жойларда мактабгача таълим нодавлат муассасаларини ташкил этиш, давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги битим объектларини қуриш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратаётган молия муассасаларидан биридир. Банкнинг Жиззах филиали 2018 йилнинг июнь ойида ташкил этилган бўлишига қарамай, айни дамда 1 100 нафарга яқин мижозга тўлақонли банк хизматларини кўрсатмоқда. Филиал томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида ажратаётган имтиёзли кредитлари эътирофга лойиқдир. Жумладан, ушбу мақсадлар учун Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик, Арнасой, Пахтакор, Зафаробод ва Зарбдор туманлари учун жами 13,0 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

– "SITORA-TA'LIM" нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш учун бизнес-режа ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Жиззах филиалига мурожаат қилдик, – дейди хусусий тадбиркор Раҳмонқул Холиқов. – Банк мутахассислари лойиҳамиз билан танишиб, қисқа фурсатда ҳукуматимиз томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан имтиёзли кредит сифатида 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратиб беришди. Мазкур маблағ бинони пардозлаш ва ободонлаштириш ишларига сарфланиб, жорий йилнинг январь ойида таъмирлаш якунига етказилди ҳамда муассаса фойдаланишга топширилди. Натижада 10 дан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Бугунги кунда ушбу мактабгача таълим муассасасида 7 та гуруҳ фаолият юритмоқда. Ҳар бир гуруҳда 20-25 нафар болага инглиз, рус ва ўзбек тилларида машғулотлар ўтилиши йўлга қўйилган.

– Ўз меҳнатингиз самарасини кўриш инсонга куч ва ғайрат бағишлаш билан бирга, ҳаётга бўлган завқни оширишга мен амин бўлдим. Мен, бу ишимни пул топишнинг бир маҳсули ёки тадбиркорлик деб ҳам айта олмайман, чунки менинг асосий мақсадим – ушбу даргоҳда тарбияланган кичкинтойларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишига кўмаклашиш, давлатимиз ривожига ҳисса қўшувчи керакли инсон бўлишлари учун шароит яратишдир. Албатта, фурсатдан фойдаланиб, "Трастбанк"нинг Жиззах филиалига ўз вақтида ажратилган моддий кўмак учун ўз миннатдорчилигимни билдираман. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, банк билан ҳамкорлигимиз давом этишига умид қиламан, – дея сўзини якунлади Раҳмонқул Холиқов.

"Трастбанк" томонидан яна қўшимча 3 та мактабгача таълим муассасаси молиялаштирилган бўлиб, шу кунларда ишга туширилиши режалаштирилган. Агар мазкур таълим муассасалари ҳам фаолиятини бошласа, вилоятда қўшимча равишда яна 25 га яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

– Президентимизнинг "Нодавлат мактабгача таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, филиалимиз томонидан мактабгача таълим соҳасидаги ташаббускорларнинг нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблағни шакллантириш, бино-иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ва ўқитиш воситаларини сотиб олиш мақсадларида кредитлар ажратиш кўзда тутилган, – дейди "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Жиззах филиали бошқарувчиси Шуҳрат Сапаров. – Шу билан бирга филиалимиз томонидан 2019 йилнинг 1 март ҳолатига тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш секторлари, қурилиш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини ривожлантириш учун 40,0 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилиши таъминланган. Албатта, ёш филиалимиз учун бу яхши натижа деб ўйлайман.

Қолаверса, филиал янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни ҳам молиялаштириб келаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида филиалда кечаю-кундуз узлуксиз ишловчи 2 та 24/7 электрон офислар аҳоли учун хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкида мижозлар билан ишлаш сиёсатининг тўғри йўлга қўйилгани ҳамда иқтисодиётимизнинг истиқболли тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси фаол молиявий қўллаб-қувватланиши банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари ҳажмининг муттасил ошишига хизмат қилмоқда.

Сабоҳат Хаиткариева,
"Трастбанк" ХАБ Ахборот хизмати бошлиғи

Аҳоли банкоматлар хизматидан мамнунми?

Фарғона вилояти тижорат банклари томонидан турли муассасалар фаолиятини ривожлантириш, банк хизматларини кенгайтириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш ҳамда иқтисодиёт реал секторига инвестицияларни йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Айниқса, улар ўз фаолиятини Президентимизнинг "Банклар оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этаётгани ўз самарасини бериб келмоқда. Чунки қарор ижроси доирасида ҳар бир тижорат банки катта мақсадларни амалга оширишга интилмоқда.

Жумладан, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор тижорат банкларининг филиал, бўлим ва минибанкларини замонавий қиёфага келтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хизмат кўрсатиш заллари икки қисмга ажратилиб, юридик шахсларга чакана хизматлар учун махсус зал ва жисмоний шахсларга банк жараёнларини амалга ошириш учун алоҳида хоналар ташкил этилмоқда.

Айниқса, вилоятда банкоматлар сони кун сайин ошиб бораётгани аҳоли учун айни муддао бўлаётир. Жумладан, Марказий банкнинг Фарғона вилоят Бош бошқармаси ахборотлаштириш бўлими томонидан жорий йилнинг 19 март ҳолати бўйича тақдим этган маълумотига кўра, вилоят ҳудудида жами 126 та банкомат аҳолига муносиб хизмат кўрсатмоқда.

Агар уларнинг сонини тижорат банклари кесимида оладиган бўлсак, "Ўзмиллийбанк" 9, "Ўзсаноатқурилишбанк" 3, "Агробанк" 42, Халқ банки 22, "Асака банк" 4, "Қишлоқ қурилиш банк" 4, "Ҳамкор банк" 16, "Универсал банк" 4, "Капитал банк"нинг эса 5 та банкомати юридик ва жисмоний шахсларга ишончли хизмат кўрсатяпти.

Биз АТБ "Асака банк" Фарғона вилоят филиалига қарашли Фарғона шаҳрида жойлашган банкомат хизматини кузатиш жараёнида "Ўз Медикал Фергана" МЧЖ раҳбари Хумоюн Ҳикматовни суҳбатга тортдик.

– Мазкур банкоматлар хизматидан кўнглимиз тўляпти. Мана шу вақтгача нақд пул олиш бўйича бирор узилиш ёки муаммо бўлгани йўқ. Аммо айрим вақтларда нақд пулни тўлов картасига ўтказишга ҳам тўғри келяпти. Бунинг учун эса банк филиалларига бориш зарур. Агар банкоматлар орқали маҳаллий карталарга нақд пулларни ўтказиш амалиёти ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фарғона вилоят шошилинч тиббий ёрдам филиали ҳамшираси Дилдора Иброҳимбекова ҳам АТБ "Асака банк" вилоят филиали банкомат хизматидан мамнунлигини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга банкоматлар орқали самарали хизматлар кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки банк хизматларининг сифати тараққиётимизга бевосита таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис, келгусида банк мижозлари истаклари даражасидаги халқаро банкоматлар банк амалиётига жорий қилинишига умид қилиб қоламиз.

Ҳамдам АМИНОВ

“BARDOSH-BIZNES” МЧЖнинг
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2013 йил 11 майдаги 22-сонли лицензияси.
Юридик манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Олмазор массиви 6/7

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	2 375 507
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	2 375 507
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	2 375 507
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланганда сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	2 375 507
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	794 723
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	794 723
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	27 901
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	3 947
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	31 849
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	3 138 381
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	359 056
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	29 833
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	3 556
740	56400	Маъмурий харажатлар	22 370
750	56500	Репрезентация ва хайрия	4 352
760	56600	Эскириш харажатлари	9 002
770	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	21 793
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	449 963
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		"9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)"	2 688 419
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ	
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	376 961
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	2 311 457
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	2 311 457

* Изоҳ: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлардан ташқари.

Молиявий ҳисоботнинг ҳаққийлиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан барча тоифадаги хўжалик субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган. 2008 йил 18 февралда тақдим этилган лицензия рақами АФ 00202) томонидан тасдиқланган ва бухгалтерлик ҳисоботининг барча миллий меъёрларига мувофиқ тайёрланган.

“Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот кредит ташкилотининг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.”

“BARDOSH-BIZNES” МЧЖнинг
Баланс ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР		МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР		
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари		61 805
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар		8 115
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар		135 824
50	"12401+12405+12409+15701+15705"	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	2 607 650	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар заҳираси	0	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)		2 607 650
70	16500	Асосий воситалар, соф		24 756
80	16600	Номоддий активлар, соф		0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0	
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)		0
100	19900+16400	Бошқа активлар		128 786
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)		2 966 936
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ		
		МАЖБУРИЯТЛАР		
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар		0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар		0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар		0
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар		0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар		0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар		55 479
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)		55 479
		КАПИТАЛ		
310	30301	Устав капитали		500 000
320	30903	Умумий захира фонди		100 000
330	30905	Текинга олинган мулклар		0
350	31203	Тақсимланмаган фойда		0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси		0
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)		2 311 457
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)		2 911 457
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)		2 966 936

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИР

Наврўз туҳфаси

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтининг доимий ва ўзгарувчан шахсий таркиби “Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!” шиори остида “Наврўз бунёдкорлик, бирдамлик ва ризқ-рўз байрамидир” тадбирини кўтаринки руҳда нишонлади. Байрамга фахрийлар, Яшнобод туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилди.

Тадбирни институт бошлиғи, юридик фанлар доктори, полковник Нуриддин Нарматов очиб, умумхалқ байрами билан самимий табриклар экан, барчага сиҳат-саломатлик, таълим-тарбия борасида куч-ғайрат тилади. Байрам арафасида мамлакатимизда одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар жойларини обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, ҳудудлар санитария ҳолатини яхшилаш ишлари умумхалқ ҳаракати даражасигача кўтарилишини таъкидлади.

Шунингдек, байрам арафасида институт ташаббуси билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан ҳамкорликда таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва курсантлари томонидан Тошкент шаҳрининг Сергели, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Янгийўл шаҳри маҳаллаларида ҳашарлар уюштирилганлигини алоҳида эътироф этди.

Байрам тадбири давомида институт ходимлари ва курсантлари ўртасида спортнинг “миллий кураш”, “арқон тортиш”, “тош кўтариш”, “енгил атлетика”, “стол тенниси”, “волейбол”, “шахмат”, “шашка” турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, сайллар ташкил этилди. Шу билан бирга ходимлар, курсантлар ва тингловчилар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган нархлардаги савдо ярмаркаси ҳамда бадиий китобларнинг савдо кўргазмаси ўтказилди.

Байрамда Ички ишлар вазирлигининг ашула ва рақс ансамбли аъзолари ҳамда институт “Маънавият ва маърифат” маркази ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг дил тортар куй–қўшиқлари тадбир иштирокчиларининг қалбларида илиқ таассурот қолдирди.

Шерали АНВАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти матбуот котиби,
Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси

Тарғибот ишлари кучайтирилмоқда

“Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни” тадбири давомида Юнусобод туманидаги хонадонларда ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.

Фуқароларга очиқ ва вақтинчалик ўтказилган электр симлардан фойдаланиш, бир вақтнинг ўзида бир нечта электр ускуналаридан фойдаланиш оқибатида ёнғин келиб чиқиши, фуқароларга носоз, ностандарт электр ускуналаридан фойдаланиш, газ плиталари, иситиш печлари техник ҳолатларини назорат қилмаслик натижасида ёнғинлар келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида эслатиб ўтилди. Шу ўринда хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган эслатма ва йўриқномалар тарқатилди.

Шерзод ИСЛАМОВ,
Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант

Morgan Stanley таҳлилчилари долларнинг жорий йилдаги "тақдири"га оид башоратни маълум қилди

Morgan Stanley таҳлилчилари тахмин қилишича, 2019 йил жаҳон иқтисодиётида юз бераётган жараёнлар оқибатида АҚШ долларининг курси бироз пасайиши мумкин. Ўтган йили айнан шу жараёнлар Америка валютасининг мустаҳкамланишига хизмат қилган эди.

Morgan Stanley мутахассислари ўтган йили долларнинг мавқеи юксалишига имкон берган уч омил жорий йилда унинг обрўси пасайишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

"Бу омиллар — дунёнинг бошқа мамлакатлари иқтисодиётида кузатилаётган сустлашув, протекционизм таваккалчилигининг ортиши ҳамда АҚШдаги кескин монетар сиёсат ва ғазнани тўлдиришга хизмат қилувчи рағбатлантирувчи чора-тадбирлар мажмуи сингари омиллардан иборат", дейилади Bloomberg мутахассислари ҳисоботида. "2019 йил 2018 йилнинг бутунлай тескариси бўлиши кутилмоқда", — деб ёзади мутахассислар.

Таҳлилчилар ўз башорати тўғрилигини асослаш учун АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) базавий фоиз ставкасини жорий даражада сақлаб қолганлиги ва яқин келажакда уни оширмаслигига алоҳида урғу берди. ФЗТ истиқболда, аниқроғи келгуси икки чорак давомида ўзининг облигациялар портфелини қисқартиришни режалаштирмоқда. Ўтган йили кузатилганидек, 2019 йил охирига қадар солиқларни қисқартириш ҳам кўзда тутилмаяпти.

Бундан ташқари, олий даражадаги мунозаралар натижасида Хитой ва АҚШ ўртасидаги савдо урушидаги зиддиятга бирмунча чек қўйилган. Бу эса икки томонлама бож жорий этилиши муайян муддатга сурилишига умид қилиш мумкинлигини англатади. ХХР иқтисодий ўсиш суръатини барқарорлаштириш чоралари ҳам иш бермоқда.

Morgan Stanley таҳлилчилари фикрига кўра, барча уч омил биргаликда долларнинг мавқеини бироз пасайтириши мумкин, ҳозирча бозор иштирокчилари бу таваккалчиликни муносиб баҳолай олмаяпти.

Россия Марказий банки 2019 йилда нефть нархи ошишини тахмин қилмоқда

Россия Марказий банки 2019 йилда Urals маркали нефтнинг ўртача базавий нархини бир баррель учун 55 АҚШ долларидан 60 долларига ошишини тахмин қилмоқда. МБда ўтказилган Директорлар Кенгаши мажлиси якунида асосий фоиз ставкаси 7,75 фоизлигича сақланиб қолиши ҳақида қарор қабул қилинди.

2020–2021 йилларда бир баррель Urals нефтининг нархи 55 АҚШ долларига тенг бўлиши башорат қилинмоқда.

Айни пайтда Россия Банки жаҳон товар ва молия бозорларидаги беқарорликлар билан боғлиқ ўзгаришларни алоҳида таъкидламоқда.

"Жаҳон иқтисодиёти ўсишида пасайиш таваккалчилиги сақланиб қолмоқда. Геосиёсий омиллар жаҳон товар ва молия бозорларидаги беқарорликларни янада кучайтириши ҳамда айирбошлаш курси ва инфляцияга таъсир кўрсатиши мумкин. Жорий йил бошидан буён нефть нархи ўсиб келаётганига қарамай, 2019 йилда нефть бозорида таклиф талабдан ошиб кетиши билан боғлиқ таваккалчилик юқорилигича қолмоқда", — дейилади маълумотномада.

Европа Марказий банки рекорд даражада паст фоиз ставкаларини йил якунига қадар ўзгартирмасликка қарор қилди. Банк раҳбарияти ўта юмшоқ сиёсатни давом эттириш ниятида. Банкларга янги, учинчи имтиёзли кредитлар ажратилиши бўйича таклиф берилди. Молиявий таҳлилчилар евроҳудуд банк тизими ҳозирча ўта нимжонлиги боис ЕМБда бошқа йўл йўқлигини таъкидламоқда.

ЕМБ ЎТА ЮМШАГАН СИЁСАТНИ УЗАЙТИРДИ

"Биз ҳар чоракда тақдим этиладиган узоқ муддатли амалиётлар орқали қайта молиялаштиришга доир янги лойиҳаларни амалга оширишга қарор қилдик. Лойиҳа 2019 йил сентябрида бошланиб, 2021 йил март ойида якунига етади ва икки йил муддатда қопланади. Бу банкларда мақбул шароитни сақлаб қолиш ва монетар сиёсатга бир маромда ўтиш имконини беради", — деди ЕМБ раҳбари Марио Драги.

Паст фоиз ставкалари банкларга янада мақбул шароитда мижозларни кредитлаштириш ва реал иқтисодиётни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Глобал иқтисодий инқирознинг энг ишончли кўрсаткичи АҚШда юзага келди

Америка молия вазирлиги облигацияларида эгри даромад инверсияси қайд этилди.

Иқтисодий пасайишнинг энг ишончли кўрсаткичи янги глобал молиявий инқироз яқинлашиб келаётганига доир эҳтимолни оширади. Гап АҚШ давлат қарз маблағларида эгри даромад инверсияси кузатилгани ҳақида кетмоқда. Таҳлилчилар мазкур кўрсаткич ярим аср давомида "хато" қилмаганини таъкидламоқда.

Яқинда ўтказилган савдо якунларига кўра, Американинг уч ойлик муддатда қопланадиган давлат облигациялари йиллик даромади 2,455 фоизни ташкил қилгани маълум бўлди. Айни пайтда ўн йиллик маблағлар бўйича даромад улуши 2,442 фоизга етди. Қисқа муддатли маблағларнинг даромади ортиши инверсия деб аталиб, асосан иқтисодиётнинг бирмунча сустлашишидан аввал намоён бўлади.

Одатда сармоядорлар таваккалчилик туфайли юқори қийматли фойдани қўлга киритишни кутишади ва узоқ муддатли облигацияларни харид қилади. Бироқ айни дамда қисқа муддатли облигациялар савдоси кенг миқёсда оммалашмоқда. Сабаби молиячилар қисқа фурсатлардан сўнг инқироз юзага келишини тахмин қилмоқда. Шу билан бирга, сармоядорларнинг айримлари ўтган ҳафтада АҚШ ФЗТ раҳбарияти томонидан ўтказилган йиғилишдан сўнг узоқ муддатли облигацияларни қўлга киритишни маъқул кўрмоқда. Америка МБ жорий йилда ҳеч қандай фоиз ставкаси ошмаслигини маълум қилган. Бундан ташқари, мамлакат ЯИМ кўрсаткичи ўсиши бўйича қилинган башоратни пасайтирди.

"Бу глобал иқтисодий сустлашув бўйича таъкидланган башоратлар тўғри бўлганлигини англатаётгандек гўё. Бозор нархларини белгилашда истиқболдаги рецессия туфайли ФЗТнинг келажакдаги юмшатувчи сиёсатини ҳам ҳисобга олмоқда", — дейди облигациялар бўйича мутахассис Кэти Жонс Bloomberg агентлигига берган интервьюда. Фонд бозорлари ҳам ўша заҳотиёқ инверсия юзага келишига котировкани туширишорқали жавоб берди.

Ҳафта аввалида Brent маркали нефтнинг бир баррель нархи 66,3 АҚШ долларига тушиб қолди. Токионинг Nikkei биржаси индекси дарҳол 3,25 фоизга тушди, Шанхайнинг China A50 биржаси индекси икки фоиздан ортиқ кўрсаткичдан воз кечди.

Миллиардер Майк Новограц: яқин 20 йилда биткоин нархи 100 баробар ошади

Galaxy Digital инвестициявий банк асосчиси Майк Новограцнинг тахминига кўра, яқин 20 йил давомида биткоин нархи 100 баробар ошади, криптовалюта капиталлашуви эса 7,5 триллион АҚШ долларидан ортади.

Унинг фикрига кўра, узоқ муддатли истиқболда биткоиннинг мавқеи юксалади ва ушбу валюта тури учун сармоя киритиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

"Олтиннинг капиталлашуви 7,5 АҚШ триллион долларини ташкил қилмоқда, бу кўрсаткич яна юз баробар ошиши мумкин. Бу эса яқин 20 йил ичида кузатиладиган кўрсаткич бўлиши мумкин", — деди Новограц ва институциявий сармоядорлар рақамли пуллар бозорига чиқиш учун ҳозирлик кўраётгани унинг келажагига ижобий таъсир кўрсатишини маълум қилди.

Хитой ҳукумати яширин банк тизимига чек қўя олди

Бироқ бу тўсиқ иқтисодиёт учун муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ўтган йили Хитой яширин банклари тармоғидаги кредитларнинг ялпи ҳажми сўнгги ўн йилда илк бора камайтирилди. Бу эса мамлакат молия тизимини нисбатан барқарорлаштириш ниятида бўлган мувофиқлаштирувчилар учун яхши янгилик, бироқ компанияларини молиялаштирмоқчи бўлганлар учун эмас. Ўзгаришлар Пекиннинг молиявий таваккалчиликни чеклаш ва сустлашаётган иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ўртасида мувозанат ўрнатиш доирасида амалга оширилмоқда. Moody's Investors Service ҳисобига кўра, Хитой яширин банк тармоғидаги маблағлар деярли 6,5 фоизга қисқарди ва 61,3 триллион юан (9,1 триллион АҚШ доллари) га етди. Бу эса 2016 йил охиридан бошлаб амалга оширилаётган норасмий кредиторлар билан курашнинг энг муваффақиятли натижаси сифатида қайд этилмоқда.

Бугун яширин банк тизимининг барча банк активларидаги улуши 23,5 фоиз ва Хитой ЯИМдаги улуши 68 фоизга тенг. Айнан сўнгги кўрсаткич икки йил аввал 87 фоизни ташкил этган эди.

ТАНЛОВГА

Момом айтган қўшиқ дилга қайтадир

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хайрулла Холтўраев 1984 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Унинг ижодий ишлари Республика нашрларида чоп этиб борилади. Ҳозирда у "Агробанк" АТБ Матбуот хизматида фаолият кўрсатмоқда.

***

Кеча тўфон эди, шамол йиғлади,
Хазонлар учдилар дарвоза очиқ.
Синган навдалари мажнунтолларнинг –
Синиқ буталарда турарлар содиқ!

Кеча тўфон эди, бўзлади осмон,
Аламдан қўксига чақмоқ урдилар.
Қашғирлар тун бўйи увлади ёмон,
Лаҳзалар қўрқувга юзин бурдилар.

Кеча тўфон эди, учдилар хазон,
Кўз ёшин бекитиб ёптилар ерни.
Ўлик сукунатга жой-айлар азон,
Парвона бағрида ўпадир ерни.

Кеча тўфон эди, ёлғиз боқди ой,
Юзида мунглари тунда тунд эди.
Кўҳна гумбазидан кўринса чирой,
Ошиқлар ҳўрсиниб уйқуга кетди.

***

Ҳув олис осмонга учган менмидим,
Ғаму ғуссаларни ичган менмидим,
Дунёни ахтариб дунё томондан –
Дарёсиз сувларни кечган менмидим.
Саҳро бағридаман қўлимдан тутинг.
Ростдир ёлғондир келаман кутинг!

Асосин отганча дўқ қилар дунё,
Дунё-дунёси-да ўзи хатодир.
Жабрлар, зулимлар ўтган кўчадан –
Осийлар оғриниб йиғлаб ётодир.
Саҳро бағридаман қўлимдан тутинг.
Ростдир ёлғондир кўнгилдан ўтинг!

Фалак айланганча тўзғиб боради,
Фасллар ортидан ўтгай йил тўзон.
Қақраган лабларки кутади висол –
Рашкнинг либосида даф этар хазон.
Саҳро бағридаман қўлимдан тутинг.
Ростдир ёлғондир кўчамдан ўтинг!

Чуқурлаб бораяпман заминга сингиб,
Тупроқни кўксимга босиб турдим жим.
Майсалар шивирлаб исмим айтдилар –
Кўнглимни ғижимлаб келади кетгим.
Саҳро бағридаман қўлимдан тутинг.
Ростдир ёлғондир келаман кутинг!

***

Боринг, қани айтинг, баҳор қайдадир,
Минг йиллик Навбаҳор япроқ қайдадир,
Момом айтган қўшиқ дилга қайтадир,
Майсаларим, уйғон, юзингдан ўпай.

Мозий қаърида жим йиғлаб ётардинг,
Маъюс термулардинг кўкка боқардинг,
Сен кўнглим қатида яшаб кўкардинг,
Майсаларим, уйғон, юзингдан ўпай.

Оҳу нолаларнинг оқ тонгги ҳаққи,
Қорли изғиринда таним совқотди.
Бойчечак жилмайиб, келиб уйғотди,
Майсаларим, уйғон, юзингдан ўпай.

Сени не деб, айтай Наврўз гулижон,
Кўксимга бош қўйиб тингла гулижон,
Мен забон дил нолам куйла дилижон,
Майсаларим, уйғон, юзингдан ўпай.

Бугун қуёш янлиғ юзларим менинг,
Турфа олам қайда, кўзларим менинг,
Баридан жарангдор сўзларим менинг,
Майсаларим, уйғон, юзингдан ўпай.

***

Бахтга навбат турганларнинг охириман.
Сирожиддин Саййид

Ўзни урдим ой бекинган эшикларга,
Ҳавас қилдим нур бор уйи бешикларга.
Кетгим келар гоҳ қўл етмас беҳиштларга,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Нур сўрасанг нурли манзил узоқ дерлар,
Гоҳ яқин-у ё минг ғалвирли тузоқ дерлар.
Мангуликдан мунгли оппоқ тупроқ ерлар,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Эй дил, сени хазонларга бермайман мен,
Ой тўлишган кўкламда гул термайман мен.
Кел, ёнимга шунчаки дил ёрмайман мен,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Кузда кетган, эй жонимнинг япроқлари,
Олисларда ой дилимнинг сўроқлари.
Ҳозирда ҳам тўхтамасдан титроқлари,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

Нурли йўлнинг қўрғонлари осмон қадар,
Чархи фалак айланади тупроқ қадар.
Термулишиб заррин-заррин тонглар қадар,
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

ҲИКОЯ

Ўта жиддий, қош-қовоғи уюлган хўжайинимиз саломимга эшитилар-эшитилмас алик олганча, столимга янги иш ташлаб, бугунок битиришим шартлигини таъкидлади.

ЗАҲРО

– Баҳром Бобониёзович, кечаги ҳисоботларни ҳам тугаллаганим йўқ ҳали. Шунинг учун уйда ҳаммасини...

Гапим оғзимда қолди. Бошлиқ тутақиб кетди:

– Албатта, иш битмайди. Чунки, гап сотганингиз сотган. Ким нима еб-ичишигача чайнайсизлар. Кимнинг бой аммаси ўлибди, мол дунёси кимга тегибди. Кимнинг холаси нима туғибди, бешик тўйини қандай ўтказишибди. Сизларга ҳамма нарса гап! Ҳамма нарсага буринларингизни тиқишларингиз шарт! Мияни жойга қўйиб ишланг ! — деди.

У қаршимда ўтирган Заҳрога ўгирилиб давом этди :

– Сизнинг кечаги ҳисоботингизни қабул қилмадим. Оддий ҳисоблаш жадвалини ҳам эсингиздан чиқардингизми?!

– Ўйимнинг ташвишлари билан, — дея ўзини оқлай бошлади Заҳро. — Ўзимнинг ҳам тобим йўқроқ...

– Уй шароитингиз ишлашга монелик қилса, чарчаган бўлсангиз таътилга чиқинг. Касал бўлсангиз, даволанинг. Жуда бўлмаса, ишдан бўшанг. Бу ер шунчаки келиб-кетиб, гап сотиб, маош оладиган саховатхона эмас-ку!

Заҳро айбини бўйнига олгандек бош эгди. Заҳро Баҳром Бобониёзов хонамиздан чиқиб, ўз кабинетига кирадиган фурсат ўтгунча зўрға жим ўтирди. Кейин яна жаврай бошлади :

– Гапига қаранг, ишдан бўша, эмиш. Ҳа, отангни уйи эдими, хоҳласанг бўшатсанг, хоҳласанг қувсанг. Хоҳлаганда келиб, хоҳлаганда кетаман, чидасанг – шу! Анаву "оғаларинг" бўлмаганида кўрардик кунингни. Ўшалар ишдан кетсин, буни бир кун ҳам қўйишмайди.

Ўзимни иш билан банддек кўрсатмоқчи бўлиб, янги ҳужжатларни варақлайвердим. У бўлса тинмас, бир хўжайинни, бир қариндош-уруғини ёмонлар, чакаги-чакагига тегмасди. Охири эшитишга хоҳишим йўқлигига фаросати етдими, менга тескари ўгирилиб олди.

Ичимдан Яратганга шукроналар ўқиб, жимлик қадрига етмоқ учун ҳисоб-китобларни бошладим. Иш ора кўз остидан Заҳрога қараб қўяман. У ҳали-бери иш бошлайдиганга ўхшамайди, бир қизариб, бир бўзариб ўтиришидан ҳовури босилмаганлиги аён.

У бор аламини телефондан олмоқчидай гўшакка ёпишди. Телефон рақамларини тераркан, бармоқлари қалтирар, кўзларида ғалати бир ўт йилтилларди.

Телефон гўшагидан аёл овози келиши билан юзлари сал ёришгандек бўлди. Зўрма-зўраки кулишлар, ҳол-аҳвол сўрашлар тугаб, Заҳро "асосий" гапга ўта бошлади.

— Эй, сўраманг дугонажон. Уйда ҳам, ишда ҳам ҳаловат йўқ. Эр дегани ҳам бир кун уйда бўлса, икки кун қорасини кўрсатмайди. Биттасини топдимикан ўлиб кетгур, билмайман. Бир хизмат қиласиз энди, яхши дуогўй топиб бермасангиз бўлмайдиганга ўхшаб турибди, ишқилиб кучлисидан, қизимни ҳам олиб борарман. Унинг ҳам эри айниган. Ҳм... Унга юз марта айтганман. Эрингни бундай қаттиқроқ тут, қаерга бориб, қаердан келишидан хабардор бўл. Аста-секин ўз изимингга солиб оласан десам, қизимни биласиз-ку, бўшроқ. "Яхши боринг, яхши келдингизми"дан нарига ўтмаяпти.

Заҳро сўзлар экан, қиёфаси тусланиб, турланар эди.

— Шуни айтинг, қайнонаси бор-да. Ўғлини хотинининг қўлига топшириб қўярмиди? Йўқ, мен бор эканман, қизимни уларга қул қилиб қўймайман!

Заҳро шу қадар қизишиб кетганидан олдида қизининг қайнонаси тургандек, столни муштлаб ҳам юборарди.

Қизингнинг ширин турмушига аралашиб нима қиласан? Ҳар кимнинг уйи, рўзғори бўлакча. Ҳар уйнинг тартиби, ўз тутуми бор. Яхши она бўлса, ота-онаси бағрида беғам ўсган қизга турмушнинг паст-баландини ўргатиб, керак бўлса танбеҳ бермайдими?! Бу аёл ҳар доим бир нимадандир норизо. Кимдандир бир камчилик топиб, кўпиртириб сўзлагани-сўзлаган. Айниқса бирор яхши, арзирли иш қилиб, эл назарига тушаётган кишилар унинг доимий ғийбат нишони. Ўз ишини билиб, тинчгина яшаса бўлмасмикан? Феълидан на ўзига кун бор, на бошқаларга!

Заҳро ўзига жуда ўхшаб кетадиган дугонаси билан хайр-хўш қилиб, телефон гўшагини жойига қўяркан, чуқур тин олди. Анча ҳовуридан тушиб, тинчиди шекилли. Шу пайт қиё очилган эшигимиздан мўралаб, ҳамкасаба Азиза ҳаммага салом берганча, ўтиб кетди. Заҳронинг кўзлари Азизанинг бўй-бастига ярашиб тушган янги кўйлагига тушди-ю, бурнини жийирди.:

— Вой-бўй! –дея чўзиб киноялли сўз қотди.

Ҳозир Азизанинг бошида ғийбат қарғалари сайрашини ҳис қилиб, навбатдаги нохушликлардан ўзимни озод қилиб, хонадан чиқиб кетдим...

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎзА

Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru, www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи "Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 303
Адади 2685 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 27.03.2019 й.,

1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: **Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**